



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЖАМИЯТ

№ 3 (688)  
2020 йил  
24 январь,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

**“Менга нима,**

**сенга нима?”**

**“Машина кўйилгани  
учун танловда  
қатнашяпман”**



• Қилмиш-қилдириш

• Аҳоли муурожадлари

• Жараён

**Фирибгарлик  
бир бало,  
содақлик  
икки бало**

**“Ўғлимни  
айбсиз  
демайман,  
аммо...”**

**Суд иши  
тўғри  
юритилса...**

**ҚИСКА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИҢГ!**

Вазирлар Маҳкамасининг янгиланган ижро этувчи тузилмаси тасдиқланди.





## “Парламент — халқ уйи”

**Куни кеча давлатимиз раҳбарининг парламент, унинг аъзолари фаолияти ҳақида қуёниб билдирган фикрларини диққат билан эшитдик. Президентимизнинг “Парламент — халқ уйи” деган таърифи барчамизга бирдек маъқул бўлди.**

Кейинги уч-тўрт йил ичида ҳаётимизга очкилик ва шаффофлик деб аталмиш демократик эпкин кириб келгани ҳеч бировимизга сир эмас. Шу боис, яқиндагина ўтган муҳим сиёсий жараён — сайлов фуқароларимизни ўйлантириб юрган масалаларни ҳал қилишни гарданига олиш ва шу йўлда ҳаракат қилиш зарурлигини яна бир бор намоён қилди.

Сайлов жараёнида намоён бўлган очкилик, талабчанлик ва ғоялараро баҳслар Ўзбекистонда ахборот ва сўз эркинлиги, очкилик, соғлом баҳс, фикрлар хилма-хиллигини ифода қилиш йўлида дадил олга қадам ташлангани билан ҳам бевосита боғлиқ. Бу ишлар, аввало, мамлакат раҳбари, ислохотлар етакчиси сифатида Президент иродаси, Президент шиддати билан эканини эътироф этмоқчиман.

Одамлар кўп сўрашади: “сен илгари қаерда эдинг, бу журъатни, юракни, шиддатни қаердан олдинг, ишонганинг, суянчигинг ким?”, деб. “Ишонганим сайловчилар, журъат ва шиддатни эса, давлат раҳбаридан олдим”, дейман. Аслида ҳам шундай.

Очиги, Президентимиз 2017 йилнинг июль ойида парламент палаталари қўшма мажлисида биз депутатларга қарата

одамлар билан яқин мулоқот қилиш, сайловчилар билан ҳамфикр бўлиш, оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар қилиб, доимий алоқа ўрнатиш кераклиги ҳақида билдирган таклифлари кейинги фаолиятимизнинг муҳим мезони бўлиб қолди. Масалан, бунга фаолиятим давомида ҳис этдим.

Тан олиш керакки, агар давлат раҳбари сифатида Президент иродаси ва ишончи бўлмаганда, эскича фикрловчи бюрократларга ёқмаган биринчи кескин чиқишимданок шаштими синдириб юборишлари аниқ эди. Бунга ҳозирги кунга қадар ҳам кундалик иш давомида ҳис қилиб тураман. Депутатни кўпчилик мансабдорлар, ҳокимлар ёқтирмайдди. Бироқ депутатлик машаққатларини ўз зиммасида синаб кўрган собиқ депутат, ҳозирда эса ардоқли Президентнинг қатъий ишончи депутатларга бўлган муносабатнинг аста-секин ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бизга ҳам сайловчиларни рози қилиш йўлида ҳаракат қилиш, таллашиш, тортишиш, керак бўлса, шиддат билан интилишга руҳ бағишламоқда.

Сўнгги сайловолди жараёнларидаги мулоқот ва учрашувлар шуни кўрсатдики, агар одамларни рози қилиш йўлида жон куйдирмасак, уларнинг ишончини қозонишга ҳақ қилмасак, халқимиз парламент вакиллари кечирмаса экан, келажак ҳам кечирмаса керак.

Бу йўлда бир қатор вазифаларимиз бор. Давлатимиз раҳбари томонидан қайд этиб ўтилган ана шу устувор вазифалар эса депутатлар учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Расул КУШЕРБАЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## Қонунлар халқимизга наф беряптими?

### Аввало, шуни ўрганамиз

**Яқиндагина бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида Президентимизнинг билдирган фикрлари парламент зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Биз сайловчиларимиз ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун берилган ваколат ҳамда имкониятларни тўла ишга солишимиз, қўйилган вазифаларни теран англаб, фаолият юритишимиз даркор. Шундагина, олдимизга қўйилган мақсадларга босқичма-босқич эришамиз.**

Давлатимиз раҳбари томонидан парламентимиз ва ҳокимият вакиллик органлари учун янги сиёсий йўл белгилаб берилди. Хусусан, халқ билан, халқнинг ўзи танлаган қонуний вакиллари билан мулоқотнинг тубдан янги механизми йўлга қўйилди. Бу парламент фаолиятида ҳам фаол кузатишга гувоҳимиз. Натижалда, аҳолини ташвишлантираётган муаммолар, талбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқлар халқ вакиллари томонидан аниқланиб, бартараф этилиб келинмоқда.

Биз — янги қақриқ депутатлари ана шу бошланган залворли ишни муносиб давом эттириб, янги босқичга олиб

чиқишга шахд қилмоғимиз лозим.

Албатта, Президентимиз қайд этганидек, ўнга эмас, битта қонун қабул қилишимиз, бир соат эмас, уч соат муҳокама этишимиз лозим. Токи, бу қонун халқимиз манфаатларини тўлақонли ифодаласин, бугунги янги Ўзбекистонимизнинг тараққиётига хизмат қилсин.

Шу маънода, биз — парламент аъзолари аҳолининг манфаатларидан келиб чиқиб, қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш соҳасидаги чамбарчас боғлиқ комплекс вазифаларни амалга оширишимиз керак. Юртимизнинг ҳуқуқ соҳасидаги сиёсати тизимлиликка, давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида кечаётган ҳақиқий жараёнларни чуқур англашга асослангани лозим.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қабул қилинаётган қонунлар амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг бўлгандагина ишлаши таъкидланган эди.

Шулардан келиб чиқиб, биз депутатлар ҳам фаолиятимизда қабул қилинаётган қонунларни аҳоли кенг қатламига етказиш, уларнинг ижроси ва қўлланилиши устидан қатъий парламент назоратини амалга оширишга, энг муҳими, қабул қилаётган қонунлар халқимизга нима наф бераётганининг мониторингини юритиб, ўрганиб боришга жиддий эътибор қаратамиз.

**Алишер ҲАМРОЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Юртимизнинг бирламчи ёқилги-энергетика ресурслари таркибида 97 фоизни нефть ва газ, 2,3 фоизни кўмир ҳамда 0,7 фоизни гидроэнергетика ташкил этади. Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамасдан, унинг салмоғи ҳали етарли даражага кўтарилмаган.**

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ янги Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади

Жорий йилнинг 13 январь куни Президентимиз раислигида мамлакатимизда электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Маълумки, аҳоли ва мамлакат иқтисодиётининг электр энергиясига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, энергия ҳосил қилувчи қувватларни кўпайтириш ҳисобида энергия билан барқарор таъминлаш, энергетика секторини диверсификация қилиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ва ушбу йўналишларга илгор инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида Президентимиз фармони билан “Ўзатом” агентлиги ва Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Шу билан бирга 2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энерге-

тикасини ривожлантириш концепцияси ҳам тасдиқланди.

Ушбу ислохотларнинг самараси ўлароқ 2019 йилда юртимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди. Бироқ 2020 йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард кВт/соатни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўртача 9 фоизга, яъни иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳоли истеъмоли эса 8,5 фоизга ошиши кутилётгани ушбу эҳтиёжларни қоплаш манбаларини аниқ белгилаш ҳамда Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “йўл харитаси” ижросини сўзсиз таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга бориб мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробарга орттириши

инобатга олиб, Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда қуввати 7900 мегаваттга ташкил этилган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш, шунингдек, инвесторларни жалб этган ҳолда 8000 мегаватт қувватга эга кўш ва шамол электр станцияларини куриш, гидро электр станциялари қувватини 1935 мегаваттга ошириш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, Президентимиз мутасадди идора ва ташкилотларга мазкур соҳа учун замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифасини қўйди.

Хабарингиз бор, айна пайтда юртимизда 2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилмоқда. Мазкур дастур аънанавий ёқилғи турларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан алмаштириш ҳамда электр ва иссиқлик ишлаб чиқаришда аънанавий ёқилғи турларидан фойдаланиш салмоғини қисқартириш, яъни қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобида ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш имконини беради.

Президентимизнинг жорий йил 9 январдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида ҳам мазкур соҳага оид бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Умуман олганда, электр энергетикаси тармоғини янада ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш янги Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур соҳада белгиланган устувор вазифаларнинг ўз вақтида, тўлақонли амалга оширилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш янги шаклдан парламент олдидаги асосий йўналишлардан бири бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, кўмиталар ҳамда ҳар бир депутат парламент назорати шаклидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимизда электр энергетикаси тармоғининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**


Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонуни устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жавобгарлик кучайтирилди.



# Суд иши тўғри юритилса, ҳукм адолатли бўлади



Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судларга тааллуқлилиги белгиланди.

Мамлакатимизда янги ташкил этилган маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Шу пайтга қадар бу турдаги низолар, хусусан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар фуқаролик ишлари бўйича судлар ва ҳужалик судлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса жиноят судлари томонидан кўриб келинган эди.

Маъмурий судлар ташкил этилгандан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинади. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар маъмурий судлар кўриб чиқишида янги процессуал тартибни белгилловчи кодексга эҳтиёж туғилди. 2018 йил 25 январда «Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида»ги кодекс қабул қилинди. Унинг 3-моддасига қўра, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркиндиклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритишни амалга ошириш тартибига нисбатан таътиб этилади. Ваҳоланки, Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича кўриладиган ишларнинг аксарияти маъмурий органлар ҳамда хусусий шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан чиқадиган низолардир.

Маъмурий процедура маъмурий органлар ҳамда хусусий

шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган жараён бўлиб, тарафларни кўриб чиқилмаган иш юзасидан хабардор қилишдан то қарор чиқаришгача бўлган турли босқичларни ўз ичига олади. Бунда энг муҳим босқич тарафларнинг тингланishi ҳисобланади.

Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини шифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди. 2018 йил 8 январда мазкур қонун қабул қилинди. Унинг 3-моддасида маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомиллар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан таътиб этилиши айтиб ўтилган.

Ҳозирда маъмурий судлар томонидан кўриладиган бу тоифадаги ишларнинг аксариятида юқоридаги қонун талаблари маъмурий органлар томонидан қўпол равишда бузилаётгани ҳолатлари ҳам афсуски, учраб турибди. Бу эса фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда. Демак, бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп.

**Сардор МАТНИЯЗОВ,**  
Бўстонлик туман маъмурий судининг раиси

Синдоровлар оиласи. Бу оила нафақат ҳамюртларимиз, балки дунёнинг турли мамлакатлари халқларига ҳам таниш. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки ёш гроссмейстерлар, деганда кўз олдимизда дарров ака-ука Синдоровлар гавдаланади. Уларнинг бугунги эришган ютуқлари халқимизнинг ютуғи, албатта. Лекин бу йигитчаларнинг юксак шоҳсупаларга эришишига асосий тамал тошини кўйган бир инсон борки, у ҳам бўлса, болажонларнинг бобоси Комилжон Синдоров. Айнан шу инсон невараларига шахмат дончаларини суришни ўргатган.

## Бўладиган бола... бобосидан маълум

Хўш, шундай ақлли бола-ларни тарбиялашга бел боғлаган Комилжон Синдоров ўзи қандай одам? Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ко-

милжон Синдоров қаламига мансуб китоблар тақдиротида ёш шахматчиларнинг бобоси чиндан халқ хизматидаги фидойи инсонлардан эканига амин бўлдик.

Тадбирда ижодкорнинг



“Тунги қотиллик”, “Темуррийлар кутубхонасининг сирини”, “Кечиккан қасос”, “Амирликнинг олтин тахти изидан”, “Кимматга тушган хато” асарлари ўзбек адабиёти тарихида детектив жанрининг янги босқичга чиқишида туртки бўлгани ва асар тили, қаҳрамонларнинг рангдор саргузаштлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Устоз ижодкор Худойберди Тўхтабоевнинг турткилари бўлмаганда мен детектив асар ёзишга қўл урмаган бўлардим, — дейди Комилжон Синдоров. — Шерларимни ўқиган устоз мени насрда ижод қилишга ундади, детектив асарлар ёзиш таклифини берди. Соҳам ва ҳаётини кечинмаларим асосида бу асарларни қозғога туширишга ҳаракат қилдим.

Таниқли журналист Шухрат Жабборов ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўзи келолмагани учун фикрларини ёзиб берган мактубни ўқиб берди: “Кўп саргузашт асарлар ўқиганман. Уларда прокурорлар, терговчилар, изқуварлар жиноятни қидиради. Комилжон Синдоровнинг китобларида эса қамоқда ўтирган одамнинг айбсизлиги қидирилади. Муталаа давомида амин бўласизки, қамоқда ўтирган ҳаммаям жиноятчи эмас. Бу эзгу мақсад”.

Гулҳаё ҲУСАНОВА,  
“Жамият” муҳбири

### Фахр

## Орзулар сари илк қадам

Мамлакатимизда эртамиз давомчилари бўлган ёш авлодни соғлом, юксак маънавиятли, юқори ижодий интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш масаласига доим эътибори қаратилган. Айни пайтда юртимиз бўйлаб ватанпарварлик ойлиги “Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати!” шиори остида очикэшиklar кўни ўтказиб келинмоқда.

Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирига ўқувчиларимизни олиб бордик. Назорат ўтказиш пункти орқали ушбу масканга кириб келаётган эртамиз давомчилари чор-атрофга катта қизиқиш билан боқарди. Бу ерда уларга Куролди Кучларимизда амалга оширилган ислохотлар, ҳарбий қисм тарихи, ҳарбий хизматчилар учун яра-



тилган шарт-шароитлар, таълим жараёнида қўлланиладиган замонавий ҳарбий техника ва технология воситалари хусусида ҳарбий қисмнинг шахсий таркиби билан ишлаш бўлими офицери Азамат Тошматов маълумот берди.

Саёҳат давомида ўқувчиларимиз гуруҳларга бўлиниб, навбат билан машғулот майдонларида жанговар техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмасини томоша қилиб, улар ҳақида тушунча олди. Бундан ташқари, ҳарбий қисм кутубхонаси, спорт зал тренажёрлари ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар билан ҳам яқиндан танишишди.

— Мен ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди Муҳаммадjon Тошматов. — Бугун эрталабдан шаҳримиздаги ҳарбий қисмга экскурсияга бо-

ришимизни эшитиб, худаям қувониб кетдим. Саёҳатимиз мароқли кечди. Қизиққан соҳам ҳақида керакли маълумотларга эга бўлдим. Ҳарбий бўлиш орзу-

им янада мустақамланди. — Уйлашимча, эртамиз давомчиларининг дунёқарашлари кенгайиб, Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги тушунчалари ошишида айнан юрт ҳимоячилари билан ўтказиладиган очикэшиklar кўнининг аҳамияти катта, — дейди Ёшларни қақриққача тайёрлаш фани ўқитувчиси Темур Жуманиев.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳарбийларимизни яқинда нишонланган “Ватан ҳимоячилари” кўни байрами билан таниқландик. Ўқувчиларимиз улар ҳақида шер ва қўшиқлар айтиб беришди.

**Нафиса ИСМАТИЛЛАЕВА,**  
Чирчиқ шаҳар 11-сонли умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқувчиси



Энди мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларига субсидия ажратилади.





**“Душманингдан кўркма, у нари борса, сенга душманлик қилади, дўстнингдан кўркма у нари борса, сени сотиши мумкин, лекин лоқайд одамдан кўрк. Чунки, лоқайдлик иллатларнинг энг каттасидир”, деган гапни эшитгансиз.**


Доно халқимиз бу иборани бежиз қўллаб келмайди. Сабаби, атрофимизда бўлаётган салбий воқеа-ҳодисаларга лоқайд муносабатда бўлиш кейинги катта қуфлатларга йўл очиб беради. Ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборат воситаларида намойиш қилинган бир неча лавҳа мени қаттиқ ларзага солиб, қўлимга қалам олишга мажбур қилди.

Франция пойтахти Париж шаҳрида машҳур “Нотр дам” ибодатхонаси ёниб кетгани, жаҳон меъморий ёлғорлиги сифатида қадрланадиган ушбу обидага ҳар йили ўн уч-ўн тўрт миллион сайёҳ бориши ҳақида маълумотга эгасиз, албатта. Энг ачинарлиси, ибодатхонада ёнган давом этаётган бир пайтда унинг олдида бир гуруҳ ёшлар суратга тушиб, ушбу суратларни ижтимоий тармоқларга жойлаштириш билан банд эканлиги, уларнинг тарихи асрларга бориб тақалувчи, нафақат Франция, балки европаликлар учун муқаддас ҳисобланадиган ноёб меъморий обида ёнаётганидан ташвишга тушишмаётгани кейинчалик мутахассислар томонидан қайта-қайта қуюнчақлик билан гапирилди. “Ғарб ёшлари маънавияти таназзулга учраяпти”, деган фикрлар билдирилди.

## “Менга нима, сенга нима?”

Юртимиз ёшлари ҳам “бош қаҳрамон” бўлган воқеалар ҳам борки, у кишини беихтиёр огоҳликка ундайди. Телеканалларимиздан бирида намойиш қилинган лавҳа “қаҳрамонлари” — тошкентлик ва самарқандлик тенгдошларимиз. Унда бир қиз иккинчи жаҳон урушида ўндан ортиқ ўзга юрт фарзандларини бағрига олиб, уларнинг

баҳонасида ўзига ярашмаган қилиқлар қилиб, кўпчиликнинг ғашига теккан бўлса, иккинчисидан бир гуруҳ ёш йигитлар Самарқандда улуғ бобокалонимиз Амир Темури ҳайкаlining устига чиқиб, суратга тушаётгани акс эттирилган эди. Яна бир лавҳада эса ёш йигит Самарқанд хиёбонларидан бирига чет элдан келтирилиб экилган кўчат ниҳол-



бошини силаган ўзбек халқининг рамзи бўлган Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган ҳайкал олдида суратга тушиш

ларини синдираётгани тасвирга олинган.

Бу воқеа ўтмишимизни, инсон-

лар меҳнатини қадрлаб ўрганган ўзбек ёшларига хос эмаслигидан кенг жамоатчиликни жунбушга келтиргани рост. “Лавҳа қаҳрамонлари” ўз қилмишларини ёшлик шўхликлари билан изоҳлашга ҳаракат қилишди. Қизиқ, бу ноҳўя ишга қўл уриб, яна уни суратга олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштирган бу ёшлар бошда нима ҳақда ўйлади экан? Наҳотки, улар таҳсил олаётган даргоҳларда, оилада, маҳаллада бу ёлғорликлар нимага хизмат қилиши ҳақида лоқал бир оғиз тушунтирилмаган бўлса? Маънавияти суст бу ёшлар қилиги кўпчиликни огоҳликка чорловчи қўнғироқдир. Чунки ўзимизда ҳам шаҳардаги бекатларга, кўп қаватли уйларга, ҳатто қурилиш майдонлари ўраб қўйилган тўсиқларга турли кил ёзувларни ёзиб, кўпчиликнинг жиғига тегалиган ёшлар топилиб туради. Бироқ маънавиятимиз, тарихимиз рамзи бўлган ёлғорликларга нисбатан беҳурматлик бутун жамоатчилик, айниса, ёшлар томонидан кескин қораланиши керак, менимча. Тўғри, видеолавҳалар “қаҳрамонлари” ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан тартибга чақирилиб, қонунда кўрсатилган маъмурий жазага тортилди. Бироқ ушбу тенгдошларимизнинг ноҳўя қилиқлари ўша атрофдан ўтаётган, уларни бефарқ томоша қилиб турган одамларни наҳотки ташвишга солмади, улар орасида ёши катталардан бирортаси тартибга чақирмади, дея ўйлаб қоласан, киши. Аралашиб нима қилдим, деган ўй менимча, лоқайдликнинг биринчи кўринишидир. “Менга нима?” дейишдан қачон ор қиларканмиз?!

Қирмизой ҲАКИМОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси

Китоб дўконига бордим. Одам гавжум. Харидор кўплигидан сотувчи улгуролмаяпти. Харидорларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари. Бу ҳолни кўриб, очиги сеvindим. Авваллари бу ерда одам сийрак бўларди. Навбатим келгунча (аслида атайлаб) ўқувчилар қандай китоб ўқийганига қизиқиб, уларни кузатдим. Бири Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”, Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди”, Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” драмаси, яна бири Нодар Думбадзенинг “Мен бувим, Илико ва Илларион” асарларини сотиб олишмоқда экан. Бу китоб номларини эшитиб, уларнинг “Ёш китобхон” танловига тайёрланаётганини англадим. Синаш учун ёнимдаги китоб сотиб олган қиздан сўрадим (уни кийинишидан китоб ўқийди дейиш қийин эди):

## “Машина қўйилгани учун танловда қатнашяпман”

— Танловга тайёрланапсизми?  
— Ҳа, нима эди?  
— Ўзим шунчаки, мен ҳам тайёрланапман, хоҳласангиз фикр алмашиб китоблар ҳақида гаплашсак  
— Йўғ-е! Ростдан сиз ҳам қатнашяпсизми? (биз ташқарига чиқдик) Ўзи шунақа одам қидираётгандим. Танловга машина қўйилгани учун қатнашяпман. Буни мендан кўра кўпроқ онам хоҳлайди. Нима қилай, ёлғиз фарзандман. Менга гапириб берақолинг. Очиги, ўқишни истамайман.

Майли, деб ўзим севиб ўқиган китобларим ҳақида гапириб берапман-у,

аммо ўқишни истамагани каби тинглашни ҳам хоҳламайди, деган хулоса билан хайрлашиб дўконга қайтдим. Китобимни олиб уйга кетяпман. “Китобхон” қизнинг менда қолган таассуротлари ҳаёлимни тинч қўймади. Уйкудан олдин эса кундалигимга ушбу сўзлар битилди: “Биз нима учун китоб ўқиймиз?”

## “Жаҳолат бу...”



— Ҳамидов?  
— Мен, устоз.  
— Тур ўрнингдан бузғун танловга борамиз.  
— И-и-и, устоз, дарсчи?  
— Ўртоғингдан биласан кетдик.

Йўлда кетаётиб, ўқувчи сўради:

— Устоз қанақа танлов экан?

Қоғозга қараб, кутубхоначи жавоб берди:

— “Жаҳолатга қарши маърифат” деган мавзуда ишро ёзасан, ахир, сен мактабимизда энг зўр ишро ёзасан-ку.

— Жаҳолатга қарши маърифатми-и-и?! Нега аввал айтмадингиз?

— Ўзи бу менимас етакчининг иши, жаҳолатни кейин мендан кўра адабиёт ўқитувчисидан сўраш керак эди.

— Мактабда айтмадингиз-ку!..

Танлов бошланди. Ўқувчи ишро ва роғида шундай сўзлар бор эди, холос: “Жаҳолат бу — бизнинг масъулиятсизлик...”

Юлдуз ЎРОЛОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси



“The Economist Intelligence Unit” демократия индексини эълон қилди. Ўзбекистон 167 давлат орасида 157-ўринда.



# “Ўғлимни айбсиз демайман, аммо...”

**“19 яшар ўғлим Жўрабек Исмоиловни ўн олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. У ҳеч кимнинг ҳаётига қасд қилишни режалаштирмаган. Балки маст одамларнинг калтаклари остида қолаётган ўртоғини кутқаришга уриниб, чигал вазитга тушиб қолган”.**

Сурхондарё вилоятида яшовчи Назоқат Исмоиловдан тахририятимизга келиб тушган муурожаат мактуби ана шундай бошланади. Гапни чўзмасдан, масаланинг моҳиятига эътиборимизни қаратасак.

Унда айтилишича, 2016 йилнинг 15 июнь кечки соат тўққизларда “Гулобод” маҳалласидаги “Афсона” кафесидида икки аёл билан спиртли ичимлик ичиб ўтирган тўрт нафар йигит ва Ж.Исмоиловнинг ўртоғи Хусниддин Акрамов ўртасида жанжал чиқади. Ўша тўрт нафар ҳарбий либосдаги йигитлар Олмалик тоғ-металлургия комбинатига қарашли “Хонжиза” конининг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари бўлиб, бу пайтда ўз хизмат жойларида бўлиш ўрнига зиёфат қилиб ўтирган.

Хусниддин: “Мен хавфсизлик хизматида ишлайман, сизлар нега хизмат пайтида ичиб юрибсизлар, шундай қилиш мумкинми?” деб маст ҳарбийларнинг жаҳдини чиқаради. Гап талаш тез орада муштлашувга айланиб кетади. Аввалига Хусниддин улардан бирига ташланиб мушт туширади. Бироқ касб тақозосига кўра, муштлашувнинг устаси бўлган бошқа шериклар ҳам аралашганини кўрган Жўрабек ўртоғини тўртовлоннинг чангалидан ажратиб олиш учун жанжалга аралашади. Кучи етмай калтак егач, қизикқонлик қилиб, улардан икки нафар йигитнинг қорнига бир мартадан пичоқ санчиб, шериги билан қуршовдан қочиб кетади. Пичоқдан жароҳат олган икки йигит маҳаллий шифокорлар томонидан ўз вақтида кўрсатилган тиббий муолажалар натижасида тузалиб кетдилар. Ҳозирги кунда ҳаёт ва соғлом.

Албатта, ҳар бир она ўз боласини ҳимоя қилиш пайида бўлади, бу табиий ҳол. Аммо бу аёл ўғлини мутлақо айбсиз демокчи эмас. Жиноят қилибдими, майли, шунга яраша жазосини олсин. Бироқ жазо ҳам адолатли бўлиши керак эмасми?


— Мен дастлабки тергов органи томонидан фарзандимга бўрттириб айблов қўйилганидан норозиман, — дейди Назоқат Исмоилова. — Босқичма-босқич кечган барча суд жараёнларида судьялар жанжалнинг келиб чиқиш мотивларига етарлича ҳолис баҳо берилмади. Дастлабки тергов жиноят ишида нимани келтирган бўлса, барчасини тасдиқлаб, ўғлим Жўрабек Исмоиловни ЖКнинг 25, 97-моддалари, 2-қисми “а, г, д” бандлари билан айбли деб

топишди.

Тергов органи ҳам, ҳукм ўқиган судья ҳам айбланувчилар олган жароҳатларга баҳо беришни унутиб қўйишмоқда. Жиноий материаллар орасида суд-тиббиёт экспертизасининг айнан воқеа жойидан топишган қон доғлари жабранувчилар билан бир қаторда айбланувчиларга ҳам тегишли экани ҳақидаги эътирофи ҳам учрайди.

жароҳат олган бўлса...” дея эътироф этилмоқда. Ҳатто, жабранувчилар хизмат пайтида, жамоат жойида ароқ ичиб, маишат қилиб ўтирган бўлишса-да, ўғлимни уларни хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ўлдиришни мақсад қилган дея баҳолашмоқда. Ахир, жабранувчилар хизмат жойларида эмас, балки кафедра аёллар билан овқатланиб, ароқ ичиб ўтиришган-ку. Қолаверса, ўғлимнинг уларни ўлдиришни қасд қилиб эмас, шеригини улардан ажратиб оламан деган мақсадда жанжалга аралашиб қолгани ҳукм ва ажримларнинг матнларида такрор ва такрор келтирилипти-ку! Шундай ҳолатда ўғлимнинг хатти-ҳаракатлари 97-модданинг 2-қисми “а, г, д” бандларига тўғри келадими?

**“ Ҳали чимилдиқ кўрмаган йигитларни беажал ўлдириб, номсиз қабрларга кўмдириб юборди. Ногоҳ адашиб жиноятга қўл урган атиги ўн тўққиз баҳорни қаршилаган ўғлимга ҳам, ҳимоясиз фуқароларни ваҳший усуллар орқали қийноққа солиб, тўплаган ҳаром дунёлари бир неча ўн миллионлаб долларни ташкил этган Тўрақуловники билан бир хил муддат қамоқ жазоси муносиб кўрилса? Бу қайси адолату инсонпарварлик мезонларига тўғри келади? Яна такрор айтаман, ўғлимни айбсиз демайман. Жиноят қилибдими, жазосини олсин. Бироқ унга жазо тайинлаётганда ушбу жиноятнинг келиб чиқиш мотивлари адолат билан ўрғаниб чиқилсин.**



Лекин ўша пайтда ҳамма ишнинг тизгини вилоят МХХ тергов бўлини маси бошлиғи Нодир Тўрақуловнинг қўлида эди. У терговга ҳам, суд-тиббиёт экспертизасига, ҳатто суд идораларига ҳам босим ўтказиб, бирор бир жойда МХХ тизимига қарашли қўриқлаш хизмати ходимларига қўл кўтарганларнинг бурнини ерга ишқалаб қўйиш мақсадида тўртта забардаст эркакнинг оёқлари остида лойдек тепкиланган боламнинг жароҳатларини қайд эттирмади. Шунга қарамасдан, СТЭ хулосасида ўша қон доғлари хусусида: “агар гумон қилинувчи Ж.Исмоилов қон оқувчи

Онани яратмасин экан, бу ноҳақликларни кўравериб, мен ҳам ўзимча, қўлимдан келганча ҳаракат қилавердим. Уяли телефонимда жабранувчилардан икки нафарининг “Судда даъвомиздан воз кечамиз” деб мўмай пул олганини исботловчи аудиоёзув мавжуд. Улар “Бу пулни кетган харажати мизни қоплаш учун ишлатдик” деб тан ҳам олишган. Иш Олий судда кўрилаётганда даъволари йўқлиги ҳақида ариза бериш учун яна катта миқдорда пул ҳам талаб қилишди. Шундай ҳолатларни била туриб, судьялар нега тайинланган оғир жазони босқичма-босқич тасдиқлаб келиш-

моқда? Ахир, биринчи босқич суди ва кассация инстанцияси ўғлимнинг жиноий ҳаракатида қасдан ўлдириш мақсади борлигини аниқ далиллар билан исботлаб бера олмади. Ҳукмга эса жабранувчиларнинг ўларидан бошқа ҳеч ким тасдиқлай олмаган кўрсатмаларига асос қилиб олинган.

Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисмига кўра, безорилик оқибатида қасдан одам ўлдириш жиноятини ўзaro жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан фарқлаш учун уруш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмагани аниқлаш лозимлиги, агар жанжал жабранувчи томонидан бошланган бўлса, ёки низога унинг гайрихуқуқий ҳулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги таъкидланган.

“...Агар қилмишда Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур кодекснинг 98, 101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасдан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддасининг биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши...”ни етарли билим ва малакага эга судьялар, албатта, эътиборга олишлари, аввалга қасдан етказилган ва жабранувчининг ўлимига сабаб бўлган оғир шикастни эҳтиёсизлик орқасида содир этишликни қасд туфайли одам ўлдиришдан фарқлашлари лозим эди.

Ҳолбуки, жабранувчилар ҳозирги кунда ҳаёт ва соғлом, улар даъводан кечин лафзи билан мендек бева аёлдан тама қилиб олган пулларини еб, ҳазм қилиб юборишди. Мени ҳеч ким тунунишни, ҳатто тинглашни ҳам истамаепти. Ўша даврда ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизматлари Миллий хавфсизлик хизмати тизимига қарашли эди. Олиб борилган тергов ва суд жараёнлари Сурхондарё вилоят МХХ бошқармасининг тергов бўлини маси бошлиғи Нодир Тўрақулов босими остида кечди. У сурхондарёлик минглаб ҳимоясиз одамларни зир титратгани, шақлан одам кўринган бу кимса ўзи айблаган юзлаб фуқароларни ўта шафқатсиз, ваҳший усулларда тергов қилиб, мол-мулкни тортиб олгани бутун сир эмаску!

Ҳали чимилдиқ кўрмаган йигитларни беажал ўлдириб, номсиз қабрларга кўмдириб юборди. Ногоҳ адашиб жиноятга қўл урган атиги ўн тўққиз баҳорни

қаршилаган ўғлимга ҳам, ҳимоясиз фуқароларни ваҳший усуллар орқали қийноққа солиб, тўплаган ҳаром дунёлари бир неча ўн миллионлаб долларни ташкил этган Тўрақуловники билан бир хил муддат қамоқ жазоси муносиб кўрилса? Бу қайси адолату инсонпарварлик мезонларига тўғри келади? Яна такрор айтаман, ўғлимни айбсиз демайман. Жиноят қилибдими, жазосини олсин. Бироқ унга жазо тайинлаётганда ушбу жиноятнинг келиб чиқиш мотивлари адолат билан ўрғаниб чиқилсин.

Масала билан танишиб чиққач, қуйидагиларни эслаб ўтишни жоиз билидик: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”-ги қарорнинг 5-бандида агар қилмишда ЖК 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур Кодекснинг 98, 101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасдан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддасининг биринчи қисми бўйича квалификация қилинади. 6-бандида икки ёки ундан ортиқ шахсини қасдан ўлдириш, агар айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва одатда, бир вақтнинг ўзида содир этилган бўлса, ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан квалификация қилиниши керак.

Икки ёки ундан ортиқ шахсини ўлдиришга нисбатан қасд мавжуд бўлганда жабранувчилардан фақат биттаси ўлиб, бошқалари айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўлмай қолган бўлса, қилмишни ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан икки ёки ундан ортиқ шахсини ўлдириш тарихида квалификация қилиб бўлмайди. Бундай ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари Миллий хавфсизлик иккинчи қисмининг «а» банди ва 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак. Ваҳоланки, жабранувчилар иккаласи ҳам ўлмасдан, тирик бўлиб, ҳозирда оддинги қўриқлаш бўлимида ишлаб келишмоқда.

Мазкур жиноят ишида бир қанча номуносибликларни учратиш мумкин. Умид қиламизки, бир пайтлардаги ўз ишига панжа ортидан қараган баъзи амалдорларнинг “шарофати” билан ҳақ-ноҳақ жабранганларга адолатли ҳукм қилинади.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
“Жамият” муҳбири



2020 йилда янги тутзорлар учун ажратиладиган ер майдонлари белгиланди. Шунга асосан пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига субсидиялар берилади.





## Ваъдаларни бажариш вақти келди

Яқинда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловнинг яқиний натижаларига кўра O'zLiDeP Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 53 та ўрин эгаллаб, яна бир бор етакчи деган мавқени сақлаб қолди. Бу эса сайловчиларнинг партия дастурий мақсадларига ишонч билдирганидан дарак беради. Халқ ишончи эса партия фаоллари, айниқса, парламент куйи палатасидаги O'zLiDeP депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Шуларни ҳисобга олиб, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлари таъсис йиғилиши ўтказилди.

— Сайловолди берилган ваъдаларни сикдидилдан бажариш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш вақти келди, — дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов. — Бунда нафақат депутатлар, балки партиянинг ҳар бир фаолидан ишчанлик, ташаббускорлик талаб этилади. Биринчи галда партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни оғишмай бажаришга ва уни амалга оширишга қаратилган пухта "Йўл харита"сини ишлаб чиқишимиз лозим. Бинобарин, партия Сайловолди дастурида Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналишига ҳамоҳанг тарзда аниқ вазифалар қамраб олинган.

Таъкидланганидек, биргина давлат бошқаруви соҳасида кўплаб янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга изчил татбиқ этиш назарда тутилган. Хусусан, истиқболда «Сайловларнинг пропорционал тизимига» ўтиш, «Электрон парламент» ва «Электрон Халқ кенгаши депутатлари» концепцияларини ривожлантириш, бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, «Электрон ҳукумат» концепциясини изчил амалга ошириш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожлантириш соҳасида тадбиркорликка оид барча қонун ва қонуности ҳужжатларини тўлиқ инвентаризация қилиш орқали «Тадбиркорлик кодекси» лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлашнинг соддалаштирилган тизимини жорий этган ҳолда ягона «Инвестиция кодекси» лойиҳасини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги

кластерларини, кўп профили фермер хўжаликлари тармоғини ривожлантириш ҳамда «Кластерлар фаолияти тўғрисида» ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиялараро тортушувларга фаол қатнашиш ва электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда партиянинг аниқ позициясини билдириш ҳамда уни ҳимоя қилиш ҳар бир депутат учун вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» ги Қонунга мувофиқ, партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 53 нафар депутатдан иборат O'zLiDeP фракциясини таъсис этиш бўйича таклифи ўртага ташланди. Ушбу масала атрофлича муҳокама қилингандан сўнг депутатлар томонидан яқдиллик билан тасдиқланди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари лавозимига партия Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси Хаитов Ақтам Аҳмадович номзоди таклиф этилди ва бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш бўйича бўлиб ўтган сиёсий партиялар вакиллари Кенгашига O'zLiDeP фракциясидан ҳам вакиллари белгиланган масаласи муҳокама қилиниди ва уч нафар номзод кўрсатилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

Жараён

## "Мурувват" уйи янгиланди

Президент қарори асосида Ургут "Мурувват" ногиронлар учун интернат уйининг 300 ўринли аёлларга мўлжалланган янги биноси фойдаланишга топширилди.

учун меҳнат устахонаси, уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш учун дам олиш хоналари, ўқув хоналари ташкил этилган. Теннис, гимнастика машғулотлари, спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланиш имконияти яратилган. 2 та сартарошхона ишлаб турибди. Барча зарур жиҳозларга эга ошхона бор. Муассаса ҳовлисида 7 жойда дам олиш учун махсус ҳудуд барпо этилган.

Очилиш жараёнида Республика Васийлик кенгаши томонидан муассасага автомат кир ювиш машинаси, замонавий дазмоллаш агрегати, кирларни куриштиш агрегати, дезокамера, музлаткичлар, ошхона жиҳозларидан иборат совғалар топширилди.

— "Мурувват" интернат уйи Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 18 ёшидан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлари учун давлат тиббий-ижтимоий муассасаси ҳисобланади, — дейди "Мурувват" интернат уйи директори Бунёд Муртозаев. — Муассасамиз 450 ўринга мўлжалланган. Бугунги кунда 446 нафар васийликка олинганлар яшаб, даволаниб келмоқда. Шундан 212 нафарини аёллар, 233 нафарини эркеклар ташкил қилади.

Янги бино анча қўлайликларга эга. Унда мини футбол майдони, тренажёр зали, кутубхона мавжуд. Тикувчилик хонаси ташкил этилган бўлиб, у 16 та замонавий электр тикув машинаси билан жиҳозланган. Васийликка олинганлар



Муассасада 277 нафар ишчи ходим меҳнат қилади. Шундан 14 нафари шифокорлар, 56 нафари ўрта тиббий ходимлар, 134 нафари кичик тиббий ходимлар 73 нафарини бошқа ходимлар ташкил этади.

Муассасада тиббий хизматлар сифатига алоҳида эътибор қаратиляпти. Уларни чуқурлаштирилган тиббий кўридан ўтказишда вилоят шифохоналарининг етакчи мутахассислари ва Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳи профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилинапти. Режа асосида соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Абдурашул САТТОРОВ

Ўзбекистон Экологик партиясида "Ишонч телефони" мунтазам фаолият кўрсатмоқда:

Хурматли юртошлар! Сиз яшаш ва иш жойингиздаги экологик муаммолар ва атроф-муҳитга оид қонунбузарликлар ҳақида 71 208-36-09 "Ишонч телефони"га шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун эрталаб соат 9:00 дан 18:00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

## "SURXON RIELTOR SERVIS" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади

2020 йил 24 февраль кун соат 11:00 да Термиз шаҳри "С.Оллоҳёр" кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига "Трастбанк" ХАБ Термиз филиалига тегишли бўлган Термиз шаҳар Ю.Ражабий кўчаси 16-а маъмурият бўлимида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 575,85 кв.м бўлган 2 қаватли маъмурий биносининг.

Бошланғич баҳоси: 1 497 418 000 сўм.  
Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб 2020 йил 24 февраль аукцион кунидан 1 (бир) соат олдин ариза қабул қилини тўхтатилишини маълум қиламиз.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 24 февраль кун аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзоланганда бош торса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, тақрорий аукцион савдоси 2020

йил 10,25 март, 14-29 апрель, 14-29 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдога иштирок этишни хоҳлаганлар объектлар билан "Трастбанк" ХАБнинг масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичнда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар зақалат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 10 (ун) фоизи миқдорда "SURXON RIELTOR SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Трастбанк" Термиз филиалидаги (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақа-

мига зақалат пули тўлашлари ва зақалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Ҳуқуқий шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:  
"SURXON RIELTOR SERVIS" МЧЖ  
Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.  
Телефон: (76) 223-77-83.

Хизматлар лицензияланган.  
Лицензия RR -0291.



Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.



**О**та-она хурсанд бўлди — ўғиллари Зийнатулло ишга қирадиган бўлибди. Яна қаерга денг, ўзи истиқомат қилаётган Асака туманидаги қўшма корхоналардан бирига! Бироқ бунинг учун болага 800 АҚШ долларини миқдоридан пул зарур бўларкан. Начора, ҳамма ҳам фарзандим деб яшайди, унинг камолани кўришни истайди, мушкулот чиқса, фарзанди учун, керак бўлса, сувни симириб, тошни ҳам кемиради. Бу — азалий қонун. Асадулло ака ҳам шундай қилди, ўғли учун пул топиб берди, бир қисм — 100 АҚШ долларини етмай турганда, танишларидан бири — қўшни аёлдан қарз кўтарди. Агарда, ўғлим маош олса, бу пул нима, узиб юборарман, қолаверса, қўшни-ку, қочиб кетаяпмизми, деган ўй уни хотиржам қилди. Қўшни — Рисолат опа ҳам қўшмага ишонди. Қўшни боланинг ишига деб, сўралган пулни топиб берди. Бироқ Зийнатулло ишга кирмаган, унга пул шунчаки кайфу сафо, ўртоқлари олдида ўзини кўрсатиш учунгина зарур эди. Ҳа, у пулни тезда кўкка совурди. Бу орада у Рисолат опанинг ҳам ишончига кириб, ўзини қўшма корхона ишчиси қилиб кўрсатди. Содда Рисолат опа галдаги синфдошлар гурунгига борганида, ош ейилиб бўлгач, гапдан-гап чиқиб, ўртоқларидан бирининг набираси бир неча ойдан бери бекор қолганини, шунга бирор иш бўлса киритмоқчилигини айтиб қолди.

ни бола кўнмади — гаровга ҳужжат эмас, бирор қимматбаҳо мулк қўймаса бўлмастлигини “тушунтирди”.

Ана шу тариқа, 10 миллион 532 минг 106 сўмлик тилло тақинчоқ гаров сифатида Зийнатуллога тутқазилди. Айтиш лозимки, бу, қўшни ишониб бўрига топширгандек бир гап эди. Ҳа-да, Зийнатулло эртасигаёқ қўшни аёлнинг ўғлини ҳожатини чиқариш ўрнига, алдов йўли билан қўлга киритилган катта миқдор суммадаги тилло тақинчоқларни Шаҳрихон туман Марказий деҳқон бозорига элтиб, шахси номаълум кимсага 2 миллион 420 минг сўмга — бир неча баробар арзонга пуллади. Бу пул ҳам исзиз кетди.

Энди гапни Нажмиддиннинг буви-сидан эшитинг — онахон Рисолат опа орқали Зийнатуллони топди. Набираси нега ишга киролмаётганини сўради. Йигитча онахонни эрта-индин деб, ёш боладек юпатиб юраверди ва юқорида биз айтган қўшма корхона ишчи кийимини ҳозирлаб, онахонга тутқазиб, эртдан набира ишга борса бўлаверишини билдириди. Бироқ Нажмиддин форма-

Буни ҳаёт дейдилар

## МЕҲР

**Бир куни кичкина қизчамни етаклаб бозорга тушдим. Узум олмоқчи бўлдик. Бир баджаҳл, кўрс одам узум сотаяпти. Қовоғи меникидан ҳам баттар осилиб кетган. Яқинлашиб нарҳини сўрадим.**

— Кўрмаяпсизми, ёзиб қўйибмиз-ку! — деб жеркиб берди у.

— Ҳа энди, бу бозор — харидор дегани савдолашади, тортишади.

— Сиз билан тортишиб ўтиришга вақтим йўқ! Олсангиз олинг, бўлмаса товарни тўсманг!

Барибир савдолаша бошладик. Мен у дедим, у бу деди, ҳуллас, ўн сўмлик узумни саккиз ярим сўмга келишдик. Қараб турибман, ҳалиги амаки торозининг палласини тарақлатиб жаҳл билан узум тортаяпти. Бир пайт қизчамга кўзи тушиб, бутунлай бошқа оҳангда сўради:

— Ие, бу яхши қизалоқ экан-ку! Исинг нима? Ма, манови сенга... — деб салкам ярим кило келадиган узум бошини қизимга узатди. Ҳайрон бўламан, мен билан шунча тортишгани нима-ю, шунча узумни текинга бериб юборгани нима? Беришга берди-ю, лекин огоҳлантириб қўйишнинг унутмади: — Буни ўзинг егин, хўпми? Даданга берма, шундоқ ҳам у мени қароқчидай қақшатиб кетаяпти..

Қарасам, бошқа сотувчилар ҳам унга жилмайиб қараб туришибди. Улар бу одамнинг сирти кўпол, лекин ички дунёси нечоғлик ёруғлигини билишар, у савдо қилаётганида доим кузатиб туришар экан. Уйга қайтаётиб эътибор қилсам, ўзим ҳам жилмайиб кетаётган эканман...

## “БУВИ”

**Касалхонада эдим. У-бу нарса кўтариб хотиним келди. Олиб келган нарсаларини едириб-ичириб, “болалар ёлғиз” деб, шошиб чиқиб кетди.**

— Онангизмилар? — сўради ҳамxonам.

Жаҳлим чиқиб кетди. Ие, эси борми бу одамнинг! Қитмирлигим тутиб бир “Йўқ, онам эмас, бувим!” демоқчи ҳам бўлдим-у, балки аёлим бош-оёқ оппоқ хижобда бўлгани учун унга шундай туюлгандир деган ўйга бориб, “уйин”ни давом эттирдим:

— Қаёқдан билдингиз?

— Фақат оналаргина ўз фарзандига шунақа қуйиб-пишиб, гирдикапалак бўлишади.

Бирдан жаҳдан тушдим ва аёлим билан фахрланган қўйи кўзларимда ёш айланди...

Шароф БОШБЕКОВ

## Фирибгарлик бир бало, соддалик икки бало



— Кап-катта бола бекор юрса, хунук-да, ўзиниям шу кунларда кўнгли тўлмай юрибди, — деди аёл.

— Қўшнимизнинг ўғли яқинда заводга ишга кирувди, бир суриштириб кўраман, — деди Рисолат опа.

— Шундай қилинг, барака топ-кур, — деди онахон.

Зийнатуллога бу ҳақда хабар етгач, Рисолат опани ҳам жиноятга шерик қилди — синфдош онахоннинг набирасини ўзи ишлаётган қўшма корхонага танишлари орқали албатта, киритиб қўйиши мумкинлиги, корхонада бўш иш ўринлари “сероблиги”ни айтиб, кап-катта аёлни аллади. Рисолат опа ҳам қўшни боланинг алдаётганини сезмай, бу гапни синфдошига телефон орқали ўша кунидек етказди. Хуллас, Нажмиддин — онахоннинг набираси ишга кириш учун кетадиган “чиқим-ҳаражат” — 1400 АҚШ долларини олиб, бувисига берди. Бувиси Рисолат опага берди, Зийнатулло эса, бу пуллари ҳам худди аввалгидек, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Одамлар тежаб-тергаб, сўмлаб қанча мақсадни қоплашига етадиган бу катта пуллар Зийнатулло учун ҳеч қанча асқотмасди, зеро, у осон топилган пуллари орқа-ўнгига қарамай сарфларди. Бу орада, унинг ёлғонлари фош бўлаёзди — ота ўғлининг ишга кирмаганини сезиб қолди — кечки овқатдан сўнг ўғлини ёнига чақириб ишга киргани рост-ёлғонлиги билан қизиқди. Афсуски, энди кеч эди. Шундай бўлса-да, Зийнатулло сир бой бермади, ишга кирдим, деб сўзидан туриб олди.

— Ойлигинг қани бўлмаса? — қизишти ота.

— Эй, ойлиқнинг уч-тўрт ойлигини бир қилиб берамиз, дейишди директорлар, — сўзлаган ёлғонига ўзи ҳам ишонган Зийнатулло отаси ҳузурда сувдан қуруқ чиққанига қувонди. Бу ёқда, ўша қўшма корхона ишчилариникига ўх-

шаш кийим — Зийнатуллонинг “туҳфаси”ни олган Нажмиддин нега ўзини ишга чақирмаётганликларидан, ҳатто, пулини ҳам тўлаб қўйганлигидан ҳайрон эди. Зийнатулло унга ҳам керакли важларни аллақачон ёлғон омборидан тахт қилиб қўйганди. Хуллас, кунлар ўрнини ҳафталарга берарди.

Рисолат опа энди кечки овқатга ҳозирлик кўраётганди, набираси кимдир чақираётганини айтди. Ташқариласа, катта ўғли келибди.

— Ая, шу кунларда жуда пул зарур бўлиб қолди...

Бир бошда минг савдо, деганларидек, Рисолат опа дарров бу ҳақда Зийнатуллога маълум қила қолди. Бировдан бўлса ҳам ўғли эҳтиёж сезган 1000 АҚШ долларини олиб бериб туришлигини, имкони бўлди дегунча қайтаришини билдириди.

— Бўпти, хола, — деди Зийнатулло жиддий оҳангда. — Аммо, бировдан ҳозир пул олиш қийин, агарда, гаровга бир нима қўймаса, ишонмайди...

Рисолат опа ҳужжат, масалан фуқаролик паспортини бермоқчи эди, қўш-

ни эгнига кийиб, яхши ниятлар билан айтилган корхонага борса, уни ичкарига киритишмади — чиндан ҳам, корхона аҳли бу “янги ходим”дан бе-хабар эдилар-да. Эшик ортида анча вақт музтар туриб қолган Нажмиддин Зийнатуллога сим қоқиб, вазиятидан хабардор қилди. Зийнатулло унга эртага, эртасига эса, индинга бўлишини айтиб, аллади, алдайверди. Афандининг эртаси кўплиги жабрдайдаларга аён бўлди. Шу тариқа, улар алданганликларини, Зийнатуллога

ишониб қаттиқ адашганларини ҳис этдилар. Бу ҳол ҳатто, ўз ота-онасини ҳам алдаган вилдонсиз боланинг жиноят ишлари бўйича Асака туман судида жавоб беришига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маълум модда ва бандларига кўра айбли деб топилиб, қилмишларининг авра-астари фош бўлган Зийнатулло Тиллаев қилмиши учун 1 йил мансаб вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига тортилди. Қўшнингнинг боласига ортиқ даражада ишониб юборган, синфдошининг пулини олиб, жиноятга шерик бўлган Рисолат Убайдуллаева эса, 3 йиллик озодликни чеклаш жазосига тортилди.

Зийнатуллодан икки нафар шахс — жабрланувчиларга етказилган жами 2600 АҚШ доллари солидар тартибда ундириладиган бўлди.

**Ёрбек ЭРГАШЕВ,**  
**Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Асака туман бўлими бошлиғи**

**ЖАМИЯТ**

Муассислар:  
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташиқлотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
“Махалла” хайрия жамоат фонди.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.

**Бosh муҳаррир**  
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

**Тахрир хайъати:**  
Рустам Комилов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Шавкат Жавлонов  
Ақтам Ҳайитов  
Аҳкам Икромов

Газета тахриратининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Т-114 Адади: 1555.  
Жума кунни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

**Набатчи:** Нуриддин Убайдуллаев

**Дизайнер:** Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@mail.uz  
Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида аёлим номи кўрсатилгани шарт.  
Уза яқини:  
Топширилган вақти: 19.45

1 2 3 4 5 6



Ўзбекистон делегациясининг Парижга ташрифи доирасида Франциянинг атом соҳаси бўйича тақдироти ўтказилади.



Бугун банк ти-  
зимда амалга  
оширилаётган ис-  
лохотлар иқтисоди-  
ётимизда барқарор  
ўсиш суръатлари  
таъминланишида  
муҳим омил бўл-  
моқда. Айниқса,  
молия муассасалари  
томонидан тадбиркорларни  
қўллаб-қувватлаш,  
аҳолининг моддий  
эҳтиёжларини таъ-  
минлаш борасидаги  
дастурлар учун  
йўналтирилаётган  
сармоялар амалда  
ўз самарасини кўр-  
сатаётгани диққатга  
сазovor.

Президентимизнинг  
“Банк хизматлари омма-  
боплигини ошириш бўйича  
қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида”ги қарори молия  
муассасалари фаолиятини  
бутунлай янги bosқичга олиб  
чиқди. Бинобарин, ушбу ҳуж-  
жат туфайли банклар эшиги  
аҳоли ва mijozлар учун, том  
маънода, кенгроқ очилди.  
Одамлар банкларга иккилан-  
масдан кела бошлади, уларга  
нисбатан ҳақиқий хизмат  
кўрсатиш объекти сифатида  
қараш шаклланди. Табиий-  
ки, бунда тижорат банкларининг  
янада фаолашгани, mijoz  
манфаатига мос сифатли хизмат  
кўрсатилаётгани қўл келмоқда.

Юртимизнинг барча худу-  
дини қамраб олган ва энг катта  
инфрагузилмага эга Халқ  
банкнинг бугунги фаолияти  
бунга яққол мисол бўла ола-  
ди. Чунки у одамлар орасига  
том маънода кириб бораётган,  
аҳоли ва тадбиркорларни  
қўллаб-қувватлаётган етакчи  
молия муассасаларидан бирига  
айланмоқда.

### Бу — бошланиши

Банк ўз фаолиятида ка-  
питаллашувни янада кучай-  
тириш, инвестициявий  
фаолиятини юксалтириш,  
иқтисодиётнинг истиқболли  
тармоқларидан ишлаб чиқариш  
ни модернизация қилиш,  
техник ва технологик янгила-  
ниш жараёнларини молиявий  
қўллаб-қувватлашга алоҳида  
эътибор қаратмоқда. 2019 йил-  
да банк томонидан хорижий  
кредит линияларини жалб қилиш  
ҳамда уларни иқтисодиётнинг  
реал секторига йўналтириш  
бўйича салмоқли ишлар  
амалга оширилди.

Банк ташаббуси билан 8 та  
халқаро молия институтининг  
9 миллион АҚШ доллар ҳамда  
197 миллион евролик кредит  
линиялари жалб қилинганини  
шундай саъй-ҳаракатларнинг  
амалий самараси дейиш мум-  
кин. Жумладан, АҚШнинг

# Юрт фаровонлигида Халқ банкининг ҳиссаси

“Cargill Inc” компаниясидан 55  
миллион евро, Германиянинг  
“Berliner Sparkasse” банкидан  
30 миллион евро ва “ODDO  
BNF” молия муассасасидан  
50 миллион евро, Россиянинг  
“Азия Инвестбанк”идан 4  
миллион доллар ҳамда “Транс-  
капиталбанк”дан 5 миллион  
евро, Хитой Эксимбанкдан  
5 миллион АҚШ доллари, Ав-  
стриянинг “Raiffeisen Bank  
International”идан 10 милли-  
он евро, шунингдек, Польшанин-  
г “Bank Gospodarstwa  
Krajowego” банкидан 20 мил-  
лион евролик кредитлар жалб  
қилиниб, миллий иқтисодиётимиз  
ривож учун йўналтирил-  
моқда.

Банк томонидан якуни-  
га етган йилда чорвачиликни  
ривожлантириш мақсадида  
хорижий молия институтлари  
сармоялари ҳисобидан 711  
лойиҳага 99,2 миллион АҚШ  
долларидан ошқроқ мабла-  
ғлар йўналтирилди. Шунинг  
80 миллион АҚШ доллари қо-  
рамол сотиб олишга қаратил-  
ган 567 та лойиҳага берилган  
бўлса, 2,4 миллион АҚШ дол-  
лари 18 та лойиҳага қўй-эчки  
сотиб олиш учун тақдим этилди.  
Мазкур йўналишда техника  
харид қилишга 84 та лойиҳа-  
га 7,5 миллион АҚШ доллар  
ҳамда асбоб-ускуналар ва  
бошқа зарур жиҳозлар сотиб  
олиш учун 42 та лойиҳага 9,3  
миллион АҚШ долларидан зи-  
ёдрок маблағлар йўналтирилди.

Саноат соҳасидаги 77 та  
лойиҳага 148,7 миллион АҚШ  
доллари, транспорт соҳасида-  
ги 99 та лойиҳага 19,8 мил-  
лион АҚШ доллари ҳамда хизмат  
кўрсатиш соҳасидаги 21 лойи-  
ҳага 5,9 миллион АҚШ дол-  
лари миқдоридан кредит маб-  
лағлари йўналтирилди.

### Фермерларга кўмак

Мамлакатимизда чорва-  
чилик соҳасини ривожлан-  
тиришга алоҳида эътибор қар-  
ратилаётган бир пайтда Халқ  
банк ҳам айнан мазкур соҳа-  
ни молиявий қўллаб-қув-  
ватлаб келмоқда. Банклар  
томонидан 2019 йилда респу-  
бликамиз бўйича чорвачилик  
соҳасини ривожлантириш  
бўйича 1 триллион 340 мил-  
лиард сўмлик 865 та лойиҳа-  
ни молиялаштириш ҳисоби-  
га четдан жами 365 034 бош  
чорва моли олиб келинди. На-  
тижада 5 600 та янги иш ўрни  
яратилди. Ажратилган 94,1  
миллиард сўмлик кредитлар  
ҳисобига четдан яна 17 512  
бош қорамол олиб келиниши  
режалаштирилмоқда. Бу бора-  
да айни пайтда тадбиркорлик  
тузилмалари билан фаол ҳам-  
корлик олиб борилапти.

Бахмал туманидаги “Бах-  
мал милк” фермер хўжалигига  
Халқ банкининг Бахмал фи-  
лиали томонидан Халқаро та-  
раққиёт уюшмаси кредит ли-  
нияси орқали 245 минг АҚШ  
доллари миқдоридан имтиёзли  
кредит берилган эди. Мулкдор  
ушбу сармояга Германиядан  
141 бош насли қорамол олиб  
келди.

— Мазкур кредит чорва  
комплексини янада кенгайти-  
риш борасида олдимизга катта  
мақсадлар қўйганмиз, — дей-  
ди фермер хўжалиги раҳбари  
Шавкат Халилов. — Мува-  
ло, яна 400 бош қорамол олиб  
келишни режалаштиряпмиз. Ал-  
батта, бунда ҳам Халқ банки  
кўмагига таянамиз. Эндиликда  
сутни қайта ишлашни ҳам ўзи-  
мизда ташкил қилишни мўл-  
жалладик. Режаларимиз амал-  
га ошса, яна 60 киши ишли  
бўлади.

Германия ва Австриядан  
келтирилган насли қорамол-  
ларни ўзимизда кўпайтириш  
ниятдамиз. Бу лойиҳамиз ҳам  
рўёбга чиқишига ишончим  
комил. Бизини Халқ банки  
доим молиявий жиҳатдан қўл-  
лаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу  
молия муассасаси ёрдами ту-  
файли европалик ҳамкорлари-  
миз билан шартнома шартлари  
юзасидан музокаралар олиб  
боряпмиз.

Халқ банки Термиз шаҳар  
филиали mijozзи “Сурхон  
чорва насл” МЧЖ томони-  
дан амалга оширилаётган  
ишлар ҳам анчагина илдамла-  
ди. Филиал томонидан жами-  
ятга хорижий кредит линияси  
ҳисобидан ажратилган 2 мил-  
лион АҚШ доллари эвазига  
Австриядан 219 бош насли  
қорамол келтирилди. Жорий  
йилда ушбу давлатдан яна 184  
бош қорамол ҳамда Туркиядан  
сутни қайта ишлаш ускуналари  
келтирилади. Корхона томо-  
нидан йилга қиймати 20 мил-  
лиард сўмлик 4 минг тоннага  
яқин сут маҳсулотлари ишлаб  
чиқарилади.

Тошкент вилоятининг Пис-  
кент туманидаги “Зиёда” фер-  
мер хўжалигининг чорвачилик  
фермасида 40 та янги иш ўрни  
яратилган.

— Лойиҳамизни рўёбга  
чиқаришда Халқ банки томо-  
нидан ажратилган 2 миллион  
АҚШ доллари миқдоридан  
кредит айни муддао бўлиди, —  
дейди ферма раҳбари Иброҳим  
Абдурахмонов. — Ферма-  
мизда кунига ўртача 10 тонна сут  
соғиб олинади. Келажакда  
ушбу сут маҳсулотларини қай-  
та ишлашни ҳам режалаштири-  
моқдамиз.

Мамлакатимизда оила-  
ларда тадбиркорликни йўлга  
қўйиш орқали одамларимиз  
даромадини кўпайтириш-  
га устувор мақсад сифати-  
да қаралмоқда. Халқ банки



томонидан 2019 йилда ай-  
нан оилавий бизнесни қўл-  
лаб-қувватлашга устуворлик  
берилди. Жумладан, “Ҳар бир  
оила — тадбиркор” дастури  
бўйича 101 минг 176 оилага 1  
798 330 сўмлик кредит ажра-  
тилгани фикримиз исботи.

Фермер, деҳқон хўжалик-  
лари ва томорқа ер эгаларини  
қўллаб-қувватлаш жамғар-  
маси ҳисобидан 5 минг 419 та  
лойиҳага 96 577 миллион сўм  
маблағ берилди. Бу ҳам 5 304  
кишининг иш билан таъмин-  
ланишида айни муддао бўлиди.

Бандликка кўмаклашиш  
жамғармаси маблағлари ҳи-  
собидан 4 246 лойиҳага 81 242  
миллион сўм маблағ ажрати-  
либ, натижада 4 246 иш ўрни  
яратилди. “Ёшлар — келажак-  
гимиз” жамғармасидан Давлат  
дастуридаги тадбирларни мо-  
лиялаштириш доирасида бан-  
кимиз томонидан 2018 — 2019  
йиллар учун манзилли рўйхатга  
асосан, ўтган йили 3267 нафар  
ёш тадбиркорга 542 милли-  
ард 228 миллион сўмлик кре-  
дит тақдим этилди. Натижада  
9917 та янги иш ўрни яратил-  
ди. 3 700 дан ортиқ ёш тадбир-  
корларга берилган сармоялар  
миқдори эса 732,8 млрд. сўмини  
ташкил этди.

### Тадбиркор аёлларимиз кўпаяверсин!

Давлатимиз раҳбари-  
нинг “Хотин-қизларни қўл-  
лаб-қувватлаш ва оила ин-  
ститутини мустақамлаш  
соҳасидаги фаолиятни тубдан  
такомиллаштириш чора-тад-  
бирлари тўғрисида”ги фармони  
мамлакатимизда аёлларни ҳар  
томонлама қўллаб-қувватлаш  
йўлидаги муҳим ҳужжатлардан  
бири бўлди. Халқ банки ушбу  
фармон ижроси доирасида хотин-  
қизлар ўртасида тадбиркор-  
ликни ривожлантириш, улар-  
нинг бизнесига кўмаклашишга  
катта аҳамият қаратаётган. 2019  
йилда банкнинг ўз маблағлари  
ҳисобидан 36 703 тадбиркор аёл-  
га 615,2 миллиард сўмлик кредит  
ажратилиб, 36 мингдан зиёд иш  
ўрни яратилгани, бунинг нати-  
жасида бюджетта 1,2 миллиард  
сўмлик солиқ тушумлари туш-  
гани фикримизни тасдиқлайди.  
Маҳаллий бюджет маблағлари  
ҳисобидан эса 639 нафар тадбир-  
кор аёлга 7,4 миллиард сўмлик  
имтиёзли кредит ажратилганини  
ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Юнус БУРОНОВ,  
Халқ банки матбуот хизмати  
раҳбари

2019 йилда Халқ банкнинг ўз маблағлари  
ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга 615,2  
млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.  
Натижада 36 мингдан зиёд иш ўринлари яра-  
тилди.

Поёнига етган йилда банк томонидан  
чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хо-  
рижий молия институтлари сармоялари ҳис-  
обидан 711 лойиҳага 99,2 млн. АҚШ долларидан  
ортиқроқ маблағлар йўналтирилди.

“Ёшлар — келажакимиз” жамғармасидан  
Давлат дастуридаги тадбирларни молия-  
лаштириш доирасида 2018 — 2019 йиллар  
учун манзилли рўйхатга асосан, ўтган йили  
3267 нафар ёш тадбиркорга 542 млрд. 228 млн.  
сўмлик кредитлар тақдим этилди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури  
бўйича 101 176 та оилага 1 798 330 млн. сўмлик  
кредит ажратилди.

Банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия  
институтининг 9 млн. АҚШ доллари ҳамда 197  
млн. евролик кредит линиялари жалб қилин-  
ди.

Банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та  
лойиҳага 148,7 млн. АҚШ доллари, транспорт  
соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 млн. АҚШ дол-  
лари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21  
лойиҳага 5,9 млн. АҚШ доллари миқдоридан  
кредит маблағлари йўналтирилди.

Жинойят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бу борадаги  
тегишли қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

